

Уламолар Самарқанд вилоятида муҳтожлар ҳолидан хабар олдилар



16:58 / 24.07.2021 1309

Уламоларнинг Самарқанд вилоятига ташрифи мўмин-мусулмонларга маънавий тўхфа бўлмоқда. Бугун 24 июль куни бир гуруҳ уламолардан таркиб топган тарғибот гуруҳи Самарқанд вилоятининг бир нечта туманларига ташриф буюришди.

Жумладан, Пахтачи тумани имом-хатиби Исроил домла Амриллаев, Тошкент шаҳар «Минор» масжиди имом-хатиби Фозилжон домла Убайдуллаев, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ ҳамда «Сирож Солиҳ» жоме масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодировлар муҳтож, кам таъминланган хонадонларга ташриф буюришди. Ташриф чоғида ҳақдорларга «ВАҚФ» хайрия жамоат фондининг совғалари топширилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов, Самарқанд шаҳар «Руҳобод» жоме масжиди имом-хатиби Т.Амиров ҳамроҳлигида вилоятнинг Нарпай туманида бўлишиб, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож вакиллари ҳолидан хабар олишди ва уларга

ҳам «Вақф» хайрия жамоат фондинг совғалари топширилди.



